

*“Олмалиқ КМК” АЖ*  
*Ахборот сиёсати тұғрисидаги Низом*

---

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Олмалиқ КМК” АЖ ягона акциядори –**  
**барча оддий акциялар әгасининг**  
**2016 йил 30 июндаги**  
**3(2016)-сон Қарори билан.**

**“Олмалиқ КМК” АЖ**  
**Давлатнинг ишончли вакили**  
**Ш.С. Саматов.**

---

**“ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ**  
**АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҰҒРИСИДАГИ**  
**НИЗОМ**

**ОЛМАЛИҚ ш. – 2016**

## **МУНДАРИЖА**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА МЕЬЁРИЙ ҲАВОЛАЛАР .....	3
3. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	4
4. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ БҮЛГАН МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ .....	5
5. ҚҰШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	8
6. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИНУВ ТАРТИБИ .....	9
7. ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БҮЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР .....	9
8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	10

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур “Олмалиқ КМК” АЖ Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом (куйида матн бўйича – “Низом”) ошкор қилиниши шарт бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек уларнинг “Олмалиқ КМК” АЖ (куйида матн бўйича – “Жамият”) томонидан тақдим қилиниш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом қуидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

- акциядорлар, Жамиятнинг потенциал инвесторлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, давлат органлари, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг Акциядорлик жамияти томонидан ахборотнинг мажбурий ошкор қилинишига тегишли талаблари бажарилиши;

- Жамият томонидан Республика фонд биржаси “Тошкент” АЖ листинг Қоидалари талаблари бажарилиши;

- Жамиятнинг ахборот ошкоралиги даражасини ошириш;

- Жамият ва манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатларда ишонч даражасини ошириш.

1.3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестиция ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида асосли маълумотлар олиш хукуқларини тўлиқ реализация қилишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

1.4. Ахборотни тижорат сири таркибиға киритиш тартиби, бундай ахборотдан фойдаланиш тавсифлари ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият томонидан белгиланади.

## 2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА МЕЪЁРИЙ ҲАВОЛАЛАР

2.1. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- **ахборотнинг ошкор қилиниши** – манфаатдор шахсларга қимматли қоғозлар бозорида ахборотдан, ушбу ахборотни олиш мақсадларидан қатъи назар, унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- **муҳим маълумот** – Жамият молия-хўжалик фаолиятида ёки корпоратив фаолиятларида юз берган қимматли қоғозлар қийматига ёки улар бўйича даромад миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўзгаришлар;

- **қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари** – қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозлар эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчилари, шунингдек қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда биржалар;
- **Жамиятнинг аффилланган шахслари** – Жамият билан битим тузишдан манфаатдор бўлган шахслар;
- **қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчилари** – қимматли қоғозлар бозорида професионал фаолиятни амалга оширадиган юридик шахс;
- **қимматли қоғозлар эгалари** – қимматли қоғозлар эгалик ҳукуқи ёки бошқа мулкий ҳукуқлар асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;
- **Жамият** – “Олмалиқ КМК” АЖ;
- **инвестор** – қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобига харид қиласидиган юридик ёки жисмоний шахс;
- **манфаатдор шахслар** – акциядорлар, Жамиятнинг потенциал инвесторлари, қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчилари, давлат органлари, шунингдек бошқа манфаатдор шахслар;
- **қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, демонополизация қилиш ва рақобатни кучайтириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини ўзаро мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази;
- **рўйхатдан ўтказувчи органлар** – юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини амалга оширувчи органлар;
- **масъулиятли шахс** – Жамият раҳбари буйруғига мувофиқ тайинланган Жамият томонидан ахборот ошкор қилиниши учун масъул шахс.

## 2.2. Мазкур Низом қўйидагиларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари”;

- Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизими니 такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”;

- Жамият Устави;

- Жамият корпоратив муносабатлар хизмати Низоми.

### **3. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

3.1. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг мунтазамлилиги, оперативлиги, фойдаланиш имконияти, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатлилиги, ҳимоя қилинганлигидан иборат.

3.2. Мунтазамлилик тамойили Жамият томонидан доимий асосда манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишга йўналтирилган.

3.3. Оперативлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларнинг Жамият молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи, шунингдек уларнинг манфаатларига дахлдор жиддий воеа-ходисалар тўғрисида қисқа муддатларда хабардор қилинишини англаради.

3.4. Ахборотдан фойдаланиш имконияти тамойили остида Жамият томонидан ўз фаолияти тўғрисида манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, осон ва энг кам харажатли фойдаланишларини таъминлайдиган ахборотни тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланиш тушунилади.

3.5. Тўлиқлик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларга ҳақиқатга тўғри келадиган, бунда уларда Жамият тўғрисида, Жамият фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда ўз фаолияти тўғрисидаги салбий маълумотларни ошкор қилишдан бош тортмаган ҳолда ахборот тақдим қилинишини англаради.

3.6. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахслар учун Жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш ва ундан фойдаланиш тенг ҳуқуқлари таъминланишини англаради.

3.7. Мувозанатлилик тамойили Жамиятнинг ошкоралиги ва унинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилинишини назарда тутади. Бунда қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;
- қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиши ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

3.8. Ҳимоя қилинганлик тамойили тижорат сирини ёки махфий ахборот ҳисобланган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатлари билан рухсат берилген усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутади.

#### **4. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ БҮЛГАН МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

4.1. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуидаги тарзда амалга оширилади:

- Ягона корпоратив ахборот порталыда (қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бүйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);
- фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));
- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ([www.agmk.uz](http://www.agmk.uz));
- оммавий ахборот воситаларida.

4.2. Ягона корпоратив ахборот порталыда (қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бүйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида) мажбурий жойлаштириладиган ахборот қуидагиларни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозлар эмиссияси маълумотномаси (проспекти) (қимматли қоғозлар очиқ жойлаштирилган ҳолатда);
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;
- Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва түккиз ойлик якунлари бүйича ҳисоботлари;
- Жамият фаолиятидаги муҳим маълумотлар тұғрисидаги хабарлар;
- Халқаро молиявий ҳужжатлар стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молия ҳисоботи.

4.2.1. Қимматли қоғозлар эмиссияси маълумотномаси қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Жамиятнинг тұлиқ ёки қысқартирилган номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили), банк реквизитлари, рүйхатдан ўтказувчи органлар, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилген рүйхатдан ўтказиш ва идентификациялаш ракамлари;
- сүнгги уч йил ёки ҳар бир якунланған йил учун (агар әмитент ўз фаолиятини уч йилдан камроқ давр мобайнида амалга ошираётган бўлса) молиявий натижалар тұғрисида ҳисоботлар ва бухгалтерия баланслари;

- асосий фаолият йүналишлари ва ишлаб чиқариладиган маңсулотлар (хизматлар) турлари;
- тааллуқли изохларни ўз ичига олган мустақил рейтинг баҳоланиши (агар мавжуд бўлса);
- эмитентнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органи таркибига кирувчи шахслар рўйхати, уларга тегишли эмитент акциялари сони (устав фондидаги улушлар миқдори) тўғрисидаги маълумотлар;
- эмитентнинг филиаллари ва ваколатхоналари, унинг шўйба ва қарашли жамиятлари жойлашган манзили (почта манзили) қайд этилган рўйхати;
- эмитент аффилланган шахсларининг уларга тегишли акциялар сони ва тури қайд этилган рўйхати;
- сўнгги уч йил ичида ходимларнинг ўртача йиллик умумий сони;
- сўнгги уч йил ичида муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, уларни чиқариш ҳажми ва мақсадлари, улар бўйича эмитент томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланган дивидендлар (фоизлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- сўнгги уч йил ичида эмитентга нисбатан қўлланилган жарималар ва эмитент судда жавобгар ёки даъвогар сифатида қатнашган ишлар тўғрисидаги маълумотлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

4.2.2. Эмитентнинг йиллик ҳисботи қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- эмитентнинг тўлиқ ёки қисқартирилган номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили), банк реквизитлари, рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификациялаш рақамлари;
  - ўтган йил учун хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотлар;
  - Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Ижроия органи таркибига киритилган ўзгартиришларни асословчи маълумотлар;
  - тааллуқли йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот ва бухгалтерия баланси;
  - аудиторлик ташкилоти хulosасининг нусхаси;
  - қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
  - ҳисбот даври мобайнида эмитент фаолиятидаги муҳим маълумотлар.
- 4.2.3. Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойлик якунлари бўйича ҳисботлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Жамиятнинг тўлиқ ёки қисқартирилган номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили), банк реквизитлари, рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификациялаш рақамлари;
- таалуқли йил чораги учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ва бухгалтерия баланси.

**4.2.4. Қуйидагилар Жамият фаолиятидаги муҳим маълумотлар ҳисобланади:**

- эмитентнинг номи ёки жойлашган манзили (почта манзили), электрон почта ёки веб-сайт манзиллари ўзгариши;
- эмитент фаолиятининг қайта ташкил қилиниши, вақтинча тўхтатиб қўйилиши ёки амал қилиши тўхтатилиши;
- эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар;
- қимматли қоғозларга ҳуқуқлар ўзгариши;
- Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Ижроия органи таркибидаги ўзгариш;
- эмитентнинг филиаллари ва ваколатхоналари, унинг шўйба ва қарашли жамиятлари рўйхатидаги ўзгаришлар;
- эмитент мулки, банк ҳисобвараклари хатга олиниши, эмитентга унинг активлари қийматининг 10 фоизидан юқори миқдорда даъво қилиниши;
- эмитент устав фонди ёки активлари қийматининг 50 фоизидан юқори миқдорда кредит олиниши;
- активлари қийматининг бир йўла 10 фоиздан кўпроқ оширилиши ёки камайтирилиши;
- эмитентнинг мулк миқдори ёки қиймати битим тузилган санадаги ҳолатга кўра эмитент активларининг 10 фоизидан кўпроғини ташкил этадиган бир марталик битимлари;
- эмитент томонидан йирик битимлар ёки манфаатдор шахслар билан битимлар тузилиши;
- эмитентнинг айрим турлардаги фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиши ёки улар бекор қилиниши, лицензияларнинг амал қилиши вақтинча тўхтатиб қўйилиши ёки тўхтатилиши;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши, улар чиқарилишининг вақтинча тўхтатиб қўйилиши ва тикланиши, қимматли қоғозлар чиқарилишининг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас деб эътироф қилиниши;
- эмитент ҳар бирининг акциялари (улушлари, пайлари)нинг 10 ва ундан кўпроқ фоизларига эга бўлган юридик шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар;

- Эмитентнинг унинг қимматли қоғозлари эгалари олдида қимматли қоғозларни пул тұлаб қайтариб олиш (тұлаш) бўйича мажбуриятларининг ижро муддатлари бошланиши;
- қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳисоблаб ёзилиши, Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича даромадларни тұлаш бошланиши ва тугаши;
- Эмитентга нисбатан банкротлик тартиботлари жорий қилиниши;
- ҳисобот йилида Эмитент акциялари (улушлари, пайлари)га Кузатув кенгаси ва Ижроия органи аъзолари томонидан эгаликдаги ўзгаришлар;
- Жамият аффилланган шахсларининг уларга тегишли қимматли қоғозлар сони, тури ва тоифаси қайд этилган рўйхатидаги ўзгаришлар;
- қимматли қоғозлар эгаларида Эмитент томонидан уларга тегишли қимматли қоғозларнинг пул тұлаб қайтариб олинишини талаб қилиш хуқуқи пайдо бўлиши.

4.2.5. Жамиятнинг ҳар йилги молия ҳисоботи Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудити ўтказилгандан сўнг, Халқаро молиявий хужжатлар стандартларига мувофиқ тузилади.

4.3. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржаси листингига киритилган ҳолатда, мазкур Низомнинг 4.2-бандида назарда тутилган ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши, агар қонун хужжатлари билан бошқача белгиланмаган бўлса, факат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

Фонд биржаси Жамият томонидан мазкур модда билан назарда тутилган ахборот унинг расмий веб-сайтида эълон қилинганлиги учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

4.4. Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида мажбурий жойлаштириладиган ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Жамият фаолияти йўналиши ва мақсадлари;
- Жамият Устави, шу жумладан унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳамда Жамиятнинг тасдиқланган бизнес режалари;
- Жамиятнинг ривожланиш стратегияси тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг ташкилий тузилиши, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва қарашли хўжалик жамиятлари номлари, уларнинг телефон рақамлари, манзиллари (почта ва электрон манзиллар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамият раҳбарлари (директор ва Бошқарув раиси) тўғрисида маълумотнома ахбороти;
- бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

- Жамият ёки унинг бошқарув органлари томонидан ташкил этилган коллегиал ва кенгаш органлари (комиссиялар, кенгашлар, құмиталар ва бошқа) тұғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати;
- Жамиятнинг корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички ҳужжатлари, шу жумладан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси;
- мазкур Низомнинг 4.2.4-бандида қайд этилган Жамият фаолиятидаги муҳим маълумотлар;
- акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш якунлари (бундай қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичida эълон қилинади);
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тұғрисида маълумотлар, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт, жой, кун тартиби;
- қимматли қоғозлар бозори тұғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши шарт бўлган қимматли қоғозлар эмиссияси маълумотномалари, шунингдек Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойлик якунлари бўйича ҳисоботлари ва Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари;
- Жамият томонидан ўтказиладиган очиқ тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот-конференциялар, семинарлар ва брифинглар, давра сұхбатлари, расмий ташрифлар), матбуот-релизлар тұғрисидаги маълумотлар ва кундалик фаолият тұғрисида бошқа маълумотлар;
- Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (кўрсатиладиган хизматлар ва ишлар) рўйхати ва улар тұғрисидаги маълумотлар;
- Жамият ва унинг ташкилотлари томонидан товарлар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши) бўйича ўтказиладиган очиқ танловлар (тендерлар) ва “ким ошди” савдолари (аукционлар) тұғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тұғрисида долзарб маълумотлар, Жамият фаолияти тұғрисида ахборот хусусиятига эга таҳлилий шарҳлар;
- сўнгги уч йил ичida ҳисоблаб ёзилган ва тўланган дивидендлар тұғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қарздорлик миқдори тұғрисидаги маълумотлар, алоқа боғлаш учун маълумотлар ва акциядорлар томонидан дивидендлар олиниши учун бошқа ахборот;
- йиллик молия-хўжалик фаолиятини текширув натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хulosаси;

- Жамият томонидан акциялар харид қилиниши тұғрисидаги маълумотлар;

- Жамият корпоратив веб-сайтидаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланғанда, ушбу веб-сайтта ҳавола күрсатиши шартлиги тұғрисида талабнома;

- Жамият ўз корпоратив веб-сайтида жойлаштиришни мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаган бошқа маълумотлар.

**4.5. Оммавий ахборот воситаларида қуидаги маълумотлар мажбурий ошкор қилинади:**

- Халқаро молиявий ҳужжатлар стандартларига мувофиқ тузилган молия ҳисоботи;

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тұғрисида хабар;

- Жамият жойлашған манзил (пошта манзили) ва электрон пошта манзиллари ўзгарғанлиғи тұғрисида билдириш;

- Жамиятнинг имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорларига акциялар ёки акцияга конверсия қилинадиган эмиссион қимматли қоғозларни харид қилиш таклифи;

- Жамият томонидан акцияларнинг пул тұлаб қайтариб олиниши тұғрисида ахборот;

- Жамиятнинг тугатилиши, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабнома аризалари бериліш тартиби ва муддати тұғрисидаги маълумотлар.

**4.6. Ахборотни ошкор қилиш муддатлари:**

- қимматли қоғозлар эмиссияси маълумотномаси (қимматли қоғозлар очиқ жойлаштирилған ҳолатда) – қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланғунгача энг камида икки ҳафта олдин, қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш бундан мустасно;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи – акциядорлар ёки Жамиятнинг бошқа юқори бошқарув органдың йиллик умумий йиғилиши ўтказилғандан сүнг икки ҳафта мобайнида;

- Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва түккіз ойлик яқунлари бүйіча ҳисботлари – ҳисбот ойидан кейинги ой мобайнида;

- Жамият фаолиятидаги муҳим маълумотлар тұғрисидаги хабарлар – хабар келиб тушған санадан эътиборан икки иш куни мобайнида;

- Халқаро молиявий ҳужжатлар стандартларига мувофиқ тузилған йиллик молия ҳисоботи – акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача икки ҳафтадан кечиктирилмай эълон қилинади.

## **5. ҚҰШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Жамият ўз расмий веб-сайтининг манфаатдор шахслар учун қулай инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версияларини ташкил қилиш, уларда давлат тилидаги мавжуд барча ахборотни тааллуқли тилга таржимаси билан бирга жойлаштириш орқали ўз расмий веб-сайти такомиллаштирилишини таъминлайди.

5.2. Жамият ўз расмий веб-сайтида қуидаги қўшимча ахборотни ошкор қиласди:

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ва унга амал қилиш тұғрисида хабар;
- Жамиятнинг Ижроия органи тұғрисида хабар, шу жумладан мазкур Жамиятда ишлаш даврида;
- Жамиятнинг Ижроия органи фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижалари;
- Жамият акцияларининг 20 фоизидан күпроғига эга акциядорлар тұғрисида маълумотлар;
  - таклиф қилинаётган соф фойда тақсимланиши, дивидендер микдори асосланиши, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш әхтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш тұғрисида маълумотлар;
  - Жамиятнинг кутилаётган соф фойда қайд этиладиган инвестиция лойиҳалари шаклида реализация қилинадиган кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта таъминлашни амалга ошириш бўйича режалари;
  - мавжуд бўлган тақдирда, акцияларни баҳолаш бўйича маълумотлар, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, эксперtlар ва консультантларнинг изоҳлари ва прогнозлари;
  - мавжуд бўлган тақдирда, Жамият бизнеси турлари бўйича капитал қиймати ва Жамият капиталининг ушбу кўрсаткичлар микдорлари асосланишини ўз ичига олган ўртacha белгиланган қиймат микдори;
  - хайрия (спонсорлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш), шунингдек амалда кўрсатилган хайрия (спонсорлик) ёки бегараз ёрдам тұғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби ва шартлари тұғрисидаги ахборот.

5.3. Кузатув кенгаши ва Ижроия орган иш ҳақи ва бадаллари микдори тұғрисидаги маълумотлар акциядорлар умумий йиғилишида ошкор қилинади ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

5.4. Жамият ўз фаолияти тұғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатлари билан ахборотни ошкор қилиш учун назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам ошкор қилинишини таъминлайди.

## **6. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИНУВ ТАРТИБИ**

6.1. Жамиятнинг Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинуви учун Жамият ахборот алмашинувини амалга оширадиган масъул ходимни тайинлайди.

6.2. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низом билан назарда тутилган ахборот тақдим қилиниши тұғрисидаги ёзма (электрон) талабномаси бўйича Жамиятнинг масъул ходими, агар қонун ҳужжатлари билан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта ичida ахборотни электрон кўринишда тақдим қиласди.

6.3. Ҳужжатлар нусхаларини тақдим қилиш зарур ҳолларда, манфаатдор шахс ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш харажатлари қийматидан юқори бўлмаган миқдорда тўловни ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

6.4. Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолияти тұғрисидаги тижорат ёки бошқа қонун билан ҳимоя қилинадиган сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

## **7. ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР**

7.1. Оммавий ахборот воситаларида мазкур Низом билан назарда тутилган ахборот ошкор қилиниши ва Жамият тұғрисидаги ахборот ошкор қилиниши учун Корпоратив муносабатлар хизмати ходими, бухгалтер, шунингдек бундай ваколатлар берилган шахс жавобгар бўлади.

Бош директор ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотни Жамият номидан ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

7.2. Ахборотнинг тўлик, асосли ва ўз вақтида ошкор қилиниши учун Жамият Бошқарув Раиси – Бош директор жавобгар бўлади.

7.3. Йилнинг ҳар чорагида Жамият Кузатув кенгаши мазкур Низом талаблари бажарилиш жараёни тұғрисида Бошқарув ҳисоботини тинглайди.

## **8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг ташкил қилиниши, ҳолати ва асослилиги учун Жамият Бошқарув Раиси – Баш директор жавобгар бўлади.

8.2. Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, асосли ва тўлиқ ошкор қилиниши Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга мукофот пуллари (премиялар) тўлаш шарти ҳисобланади.

8.3. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

8.4. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгаши қарори билан йиғилишда қатнашган ёки сиртқи овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозлари билан тасдиқланади.

8.5. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг унинг аъзолари кўпчилик овозлари билан қабул қилинган қарори бўйича киритилади.

8.6. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тааллуқли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрларига амал қилиниши керак.